



1917 йил 27 февралда Петроградда демократик инкилоби галабаси Туркистон ўлкасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижада Туркистонда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари ва ҳар хил тоифалар вакилларида тузилган ижроия комитетлар ташкил этила бошланди. Тошкентнинг ҳамма даҳалари вакиллари тўпланиб «Шўрои Исломия» ташкилотини туздилар.

1917 йилнинг март ойида ўлка мухторияти масаласи Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги асосий масала бўлиб қолди. Туркистонга мухторият макомини бериш гоёси нафакат демократик зиёлилар ўртасида, ҳатто оддий фуқаролар орасида ҳам таркала бошлади. 31 март куни рус подшосининг ўлкадаги таянчи-Туркистон генерал-губернатори ҳокимиятни тарк этди. 1917 йил 7 апрелда Муваккат ҳукумат қарори билан кадет Н.Н.Щепкин раислигида Туркистон қўмитаси ташкил қилинди. 9 кишидан иборат бу комитет аъзоларининг тўрттаси: А. Букейхонов, М.Тинишбоев, С. Максудов ва А. Давлетшинлар туркий халқлар вакилларида эди.

Туркистон маҳаллий аҳолисининг ошиб бораётган ижтимоий-сиёсий фаоллиги шароитида Тошкентда 1917 йил 16 апрелда «Шўрои Исломия» нинг Тошкент ташкилоти ташаббуси билан чакирилган Бутунтуркистон мусулмонларининг 1 қурултойи иш бошлади.

Қурултойнинг сўнгги мажлисида марказий раҳбар орган-Туркистон ўлка мусулмон шўроси ташкил этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Шундай қилиб Туркистоннинг бирлиги ва яхлитлиги томон муҳим қадам қўйилди.

Афсуски, бирлашиш жараёнлари ҳар доим ҳам бир текис ривожланмади. Мунаввар Қори бошчилигидаги «Шўрои Исломия»дан 1917 йил июн ойида диний уламолардан ташкил топган «Шўрои Уламо» ажралиб чиқди. «Шўрои Уламо» жамияти тарафдорлари демократик кайфиятдаги миллий зиёлилар ва мусулмон рухонийларнинг жамиятда ислохотлар ўтказиш йўлидаги ҳар қандай уринишларига ва европача маданиятнинг кириб келишига кескин қарши чиқишди. Маърифий, сиёсий соҳадаги янгиланишлар ҳақидаги гоёларни ҳам рад этишди.

Тошкентдаги ишчи ва солдат депутатлари Совети мусулмонлар ўртасидаги ушбу бўлинишдан усталик билан фойдаланишга уринди. Сентябрь воқеалари натижасида Тошкент Совети ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилди.

1917 йил 10 сентябрда Тошкентда Бутунтуркистон мусулмонларининг II қурултойи очилди. Ушбу қурултой ҳокимиятни солдат, ишчи ва дехкон депутатлари советларига беришга қарши чиқди. Сентябрь воқеалари жамиятдаги сиёсий қарама-қаршилиқларни кескинлаштириб, ўлкадаги ишчилар ҳаракати билан миллий ҳаракатнинг кейинги

йўлларини бир-биридан ажратиб юборди.

Тошкентда 1917 йил 17-20 сентябрда туркистонлик ва козок мусулмонларнинг курултойида «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо», «Турон» ва бошқаларни бирлаштириш йўли билан бутун Туркистон ва Козогистон учун умумий бўлган «Иттифоки муслимин» деган сиёсий партия тузишга қарор қилинди.

«Уламочилар»нинг ушбу курултойидаги асосий масала Туркистон ўлкасининг бўлгуси сиёсий бошқаруви тўғрисида бўлиб, унда демократик Россия таркибида ҳудудий федерация-»Туркистон федератив республикаси» тузилиши ҳақида ошқор қилинди. Феврал инкилобининг таъсири билан Туркистонда қасаба уюшмалари оммавий равишда ташкил этилди, маҳаллий халқлар тилларида газеталар чиқа бошлади.

Октябр тўнтариши. Туркистонда мустақил Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг шовинистик сиёсати

1917 йил сентябрь ойида большевикларнинг Тошкент Совети солдатларни ва асли россиялик ишчиларни ўз томонига торта олган эди. Октябр ойида Россияда тўнтариш бўлиб ўтгандан сўнг, унинг таъсири тез орада мустамлака ўлкага ҳам ёйилди.

Тошкентдаги Октябр тўнтариши қатнашчилари 1 ноябрда Бош комиссар генерал Коровиченко ва Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитасини қамқоқ олдилар ва шу кун Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатилганлиги эълон қилинди. Қуролланган европалар ишчилар, асосан темирйўлчилар, Тошкент гарнизонининг солдатлари давлат тўнтаришини ўтказдилар.

Туркистон большевиклари ўлкадаги бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун шафқатсиз қураш олиб бордилар.

1917 йил 15-22 ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ишчи, солдат ва деҳқон депутатларининг III ўлка съездида ҳокимият масаласи ҳал қилинди. Бунда 15 кишидан иборат Туркистон Халқ комиссарлари совети тузилди (8 сўл эсер ва 7 большевик).

Ҳукуматга маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил қиритилмади. С. Лапин бошлиқ «уламочи»лар, меншевик ва сўл эсерларнинг ўлка Совети таркибига мусулмон вакиллари ҳам қиритиш борасидаги таклифлари инобатга олинмади. Бу эса большевикларнинг миллий масалада йўл қўйган қатта сиёсий ҳатоси бўлиб, бунда совет раҳбарларининг шовинистик қайфиятлари очик намоён бўлди. Ҳукуматнинг бундай қидириш таркиби ўлкада европалар аҳоли ҳукмрончилигини мустаҳкамлади.

Россия Халқ Комиссарлари Совети 2 ноябрда «Россия халқлари ҳукукларининг декларацияси» ва 20 ноябрда «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнатқашларига» мурожаатномасини эълон қилди. Ушбу қабдиқлар ҳужжатларда халқларнинг ўз қидирини ўзи белгилаш ҳуқуқи қасмий равишда тан олинди; ҳаттоки ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқи; ҳамма ва ҳар қандай миллий, қидий имтиёзлар ва қеклашлар бекор қилинди.

Бу ҳужжатлар қанчалик қаландрарвоз ваъдалар бермасин, амалда қуруқ ташвиқот бўлиб қикди. Қўп ўтмай, Туркистон ХКС «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» ташкилотларини тарқатиб юборди. Бу ташкилотларнинг аъзолари Туркистон

мухториятини, кейинрок эса миллий истиклол харакатини кўллаб кувватладилар.

Туркистон мухториятининг эълон килиниши ва болшевиклар томонидан тор-мор килиниши

1917 йил 26-28 ноябрда Кўкон шахрида Туркистон ўлка мусулмонларининг фавкулодда IV курултойи бўлиб ўтди. Курултойда демократик мусулмон зиёлилар талаби билан Туркистон аҳолисининг европали кисми вакиллари ҳам тенг ҳуқуқли бўлиб иштирок этдилар. Туркистоннинг бошқариш тузуми тўғрисидаги масала уч кун давом этган курултойнинг диккат марказида турди. Курултойда ўлканинг барча минтакалари ва кўпгина жамоат ташкилотларидан 200 нафардан ортиқ вакиллар ҳозир бўлди. Унда вакилларнинг сиёсий фаоллиги туфайли муҳим масалалар юзасидан мунозаралар бўлиб ўтди. Мухторият эълон қилиш гоёсини қўллаб-қувватловчилар кўпчиликини ташкил этди. Курултойда қабул қилинган қарорда: «Туркистонда яшаб турган турли миллатга мансуб аҳоли Россия инқилоби даъват этган халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш хусусидаги иродасини намоён этиб, Туркистонни Россия таркибида ҳудудий жихатдан мухтор деб эълон қилди».

28 ноябрда таркиб топаётган мазкур давлатнинг номи аниқланиб, Туркистон мухторияти деб аталадиган бўлди. Бутунроссия Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар ҳокимият Туркистон Муваққат кенгаши ва Туркистон халқ (миллат) мажлиси қўлида бўлиши керак эди. Туркистон Муваққат кенгаши аъзоларидан тузилган Муваққат ҳукумат хайъати таркибига 8 киши сайланди, яна 4 ўрин европа аҳоли вакилларига ажратилди. Курултой жараёнида Туркистон Миллат мажлиси 54 кишидан иборат қилиб сайланди, шундан 2/3 кисми, яъни 36 нафари маҳаллий аҳоли вакилларидан эди.

Туркистон Мухторияти ҳукумати киска фурсат ичида халқ ўртасида катта эътибор қозонди. Абдурауф Фитрат мухторият эълон қилинган кунни «миллий лайлатулқадримиз» деб атади. Туркистон мухториятини барча демократик қучлар қизгин қувватлади.

Афсуски, ўлка болшевиклари Туркистон Мухторияти ҳукуматига катта хавф деб қарадилар. Туркистон Советларининг IV съезди Туркистон Мухторияти ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари деб ҳисоблади ва ҳукумат аъзоларини қамокка олиш ҳақида қарор қабул қилди. Туркистон ХКС мухторият ҳукуматни тугатиш учун ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Туркистон болшевиклари бунинг учун қизил аскарлардан ташқари арманларнинг «Дашноқцутюн» партияси аъзоларидан кенг фойдаландилар.

1918 йилнинг 19 феврилида (эски ҳисоб билан 6 феврал) Кўкон шахрида фаолият кўрсатаётган Туркистон мухторияти ҳукумати болшевикларнинг қонли ҳужумлари натижасида ағдариб ташланди. Ҳукумат ағдарилгач ҳам Кўкон ва унинг атрофларидаги тинч аҳолини талаш ва ўлдириш баттар авжига чиқди. Фақат Кўконнинг ўзида уч кун давомида 10000 киши ўлдирилди.

«Улуг Туркистон» газетаси чуқур қайғу билан хабар берганидек, 20 (7) феврал Хўканд тарихининг энг даҳшатли қуни бўлди. Эски шаҳардаги ҳамма магазинлар, савдо

фирмалари, банклар ва озми-кўпми яхшироқ кўринган хусусий хонадонларнинг ҳаммаси таланган. Газетадаги ушбу мақола «Хўканд хозир ўликлар шаҳри» деб тугайди. Туркистон Мухториятини ағдарилиши Ўрта Осиёни советлаштиришга кенг йўл очиб берди.

Туркистон минтақасидаги истиклолчилик ҳаракати ва унинг тарихий аҳамияти

Туркистон Мухторияти ҳукумати большевиклар томонидан тор-мор қилинса ҳам, у Фарғона водийсида истиклолчилик ҳаракатини ташкилий жиҳатдан расмийлаштирди, унга миллий бўёқ ва тус берди. Мухторият ҳукуматининг тугатилиши истиклолчилик ҳаракатининг бутун Фарғона водийсида оммавий равишда бошланишига бир тўртки вазифасини ўтадики, чор Россиясининг мустамлакачилик зулми остида эзилиб келган фарғоналиклар энди большевиклар тузуми ва совет Россиясига қарши қуролли курашга отландилар. Демак, Туркистонда совет ҳокимияти ва большевикча тузумга қарши истиклолчилик ҳаракатининг бошланишини хронологик жиҳатдан 1918 йил феврал ойининг сўнгги ўн кунлигида деб белгилашимиз мумкин.

Дастлабки истиклолчи гуруҳларининг тузилиши Кўкон атрофидаги Бачқир қишлоғидан чиққан Кичик ва Катта Эргашларнинг номлари билан узвий боғлиқдир. 27 февралда бўлган жангларнинг бирида Кичик Эргаш шахид бўлгач, унинг ўрнига Катта Эргаш кўрбоши (уни Мулла Эргаш ҳам дейишган) Фарғона водийсида большевикларнинг мустамлакачилик тартибига қарши кураш бошлади.

Скобелев уездида эса Марғилон милициясининг собиқ бошлиғи Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли – Мадаминбек советларга қарши кураш эълон қилди. «Яккатут волости Гарбобо қишлоғидаги Мадаминбек гуруҳининг қароргоҳига оммавий равишда маҳаллий ёшлар келиб қўшилди», деб ёзилади 1918 йилга оид архив ҳужжатларининг бирида. 1918 йил март ойига келиб Фарғона водийсида бир-биридан мустанкил равишда 40 дан ортиқ кўрбоши дасталари фаолият кўрсатарди. Мадаминбек Скобелев уездида, ака-ука Шермухаммадбек ва Нурмухаммадбек Марғилон атрофларида, Омон Пахлавон, Қобул, Сотиболди Қози ва Раҳмонқул Наманган уездида, Парпи кўрбоши Андижон шаҳри атрофида, Эшмат кўрбоши Кўконнинг Бувайда қишлоғида, Жонибек Қози Ўзган томонда, Муҳиддинбек Новкатда ўз фаолиятларини бошладилар.

Истиклолчилик ҳаракатининг ҳарбий бирликка алоқаси бўлмаган қуролли безорилик ёки босқинчилик, ёхуд «босмачилик» ҳаракати эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Истиклолчилик ҳаракатининг ўзига хос миллий йўналиши ва Туркистонга мос хусусиятлари бўлган. Ҳаракатнинг бошдан охиригача устувор гоё – бу бутун Туркистоннинг миллий истиклоли эди.

Совет ҳокимияти вакилларининг бутун Туркистон ўлкасида юритган шовинистик ва мустамлакачилик сиёсати, маҳаллий аҳоли манфаатлари билан ҳисоблашмай уларнинг нафсониятига тегиши истиклолчилик ҳаракатининг доимий равишда авж олиши ҳамда унинг узлуксиз давом этишига олиб келди.

Туркистондаги истиклолчилик ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи қучлари

дехконлар, чорикорлар, мардикорлар, хунармандлар ва косиблар эди. Туркистон республикаси раҳбарларидан бирининг эътироф этишича, истиклолчилик ҳаракатига «асосан дехконлар ва хунармандлар катнашди». Фарғонадаги куруллой муҳолифат куч ва сон жихатдан тиш-тирноғига курулланган совет кўшинларидан баъзан мағлубиятга учраб турса-да, эътикод ва озодлик учун курашаётган истиклолчилар водийдаги бутун аҳоли орасидан доимо мадад ва ёрдам олиб турардилар.

Туркистондаги истиклолчилик ҳаракатининг уюшган бир шаклда намоён бўлишида кўрбошилар кўрсатган гайрат-шижоатни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Ўз вақтида Фарғона водийсида Кичик ва Катта Эргашлар, Мадаминбек, Шермухаммадбек, Ислон Пахлавон, Бухоро Халк Республикасида Саид Олимхон (собик амир), Иброҳимбек, Мулла Абдулкаххор, Анвар Пошо, Салим Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек, Остон Коровулбеги, Ўрмон Полвон, Хайит Амин, Фузайл Махдум, Дониёлбек, Хоразм Халк Республикасида Жунаидхон, ўломалихон, Кўшмамедхон, Темир Алихон каби кўрбошилар бу ҳаракатни ягона кучга бирлаштириш учун раҳбарликни бирин-кетин ўз кўлларига олсалар-да, лекин Фарғона водийси, Хоразм ва Бухородаги истиклолчилик ҳаракати бошдан охиригача ягона марказга тўлик уюша олмади. Туркистон

фидойиларининг озодлик ҳаракатини ягона марказга бирлаштириш учун изчил курашаётган Мадаминбек билан Анвар Пошонинг тақдирлари эса фожиали тугади. Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракати 1919 йил ёзининг охири ва кузида ўзининг юқори чўккисига чиқди. Мадаминбек бошчилигидаги ислом кўшинлари сафига Жалолободда турган рус крестьянлар армиясининг кўшилиши водийда совет ҳокимиятини ағдариш учун реал куч эди. Сентябрнинг дастлабки кунларида Мадаминбек лашкарлари Жалолобод шаҳрини эгаллади. Куршоб қасабаси ёнидаги жангларда совет армияси қисмлари катта мағлубиятга учраб, Ўш шаҳрига чекинди. 8 сентябрда бир ярим кеча-кундузлик қонли жанглардан кейин Ўш шаҳридаги гарнизон таслим бўлди ва қамоқхонада ётган маҳбуслар истиклолчилар томонидан озод қилинди.

Мадаминбек кўшинлари 13 сентябрда Эски Маргилон шаҳрини эгалладилар. Шу билан бирга водийдаги энг йирик стратегик шаҳар-Андижонни қамал қилишга киришдилар. Афсуски, бир ой давомида Фарғона водийсини ларзага келтирган Мадаминбек бошчилигидаги мусулмон кўшинининг ҳужуми пировард натижада мағлубият билан тугади.

1919 йил 22 октябрда Помирнинг Эргаштом овулида бўлган анжуманда Фарғона муваққат мухторият ҳукумати тузилди. Ҳукумат таркибига 16 мусулмон ва 8 рус, ҳаммаси бўлиб 24 киши киритилди. Мадаминбек ҳукумат бошлиғи бўлиши билан бирга Бош қўмондон қилиб ҳам тайинланди.

1919 йилнинг кеч кузига келиб Мадаминбек қўл остида 30 мингга яқин йигит қизил армияга қарши истиклол жанглари олиб бордилар. Бу пайтда Шермухаммадбекда 20000 йигит, Эргаш кўрбошида 8000 йигит бўлган. Айнан ана шу уч лашкарбоши водийдаги жанговор ҳаракатларни йўналтириб турганлар.

Мадаминбек сиймосида саркардалиқ, давлат ва сиёсат арбобига ҳос сифатлар ўзаро уйғунлашиб кетган эди. У Фарғона водийсидаги истиклолчиларнинг ҳақиқий маънодаги дохийси, тан олинган йўлбошчиси эди. Мадаминбек водийдаги совет ҳокимияти органларига муқобил равишда ўз сиёсий бошқарув усулини жорий қилди. Бундай бошқарув усулини яна Эргаш ва Шермухаммадбек кўрбошиларгина жорий этган эдилар. Туркистондаги истиклолчилик ҳаракати 1920 йилнинг ёзи ва кузида ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Кураш яна ҳам шайқатсиз ва муросасиз тус олди. Фарғона

водийси ва Самарканд вилоятидаги ватанпарварлар билан бир каторда эндиликда Хоразм ва Бухородаги фидойилар ҳам боскинчи кизил армия жангчиларига карши мукаддас курашга отландилар. Кураш байрогини водийда Мадаминбек ўрнига энди Шермухаммадбек кўтарди. Фаргона водийсидаги бутун кўрбошилар ва тинч аҳоли вакиллари Олтиарик туманида ўзларининг нав-батдаги курултойларига тўпландилар. Курултой 1920 йил 3 майда Туркистон муваккат ҳукуматини тузди. Ушбу курултойда Шермухаммадбек ҳукумат раиси ва ислом кўшинларининг Олий бош кўмондони килиб сайланди. Большевик маддоҳлардан бирининг эътирофича, «Мадаминбек кўрбошилар ўртасида энг кучлиси бўлган бўлса, Шермухаммадбек шубҳасиз, энг хавфлиси эди». Туркистон МИК раиси Иноғомжон Хидиралиевнинг сал кейинроқ ёзишича, «1920 йил сентябрда босмачиларнинг сони 70000 кишига етди ва кучли ваҳима уйғотди». Туркистондаги истиклолчилик ҳаракатининг гоёвий раҳнамолари ҳам етарли даражада мавжуд бўлиб, улар асосан жаҳид мунавварлари ва ислом уламолари эди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, истиклолчилик ҳаракатига гоёвий раҳнамолик килиш борасида жаҳидлар билан уламолар ўртасида ўзаро рақобат мавжуд эди. Наманганлик Носирхон Тўра Саид Камолхон Тўра ўғли, тошкентлик муфтий Садриддинхон Махсум Шарифхўжа Кози ўғли, Туркистон МИКнинг собиқ ўринбосари Тўракул Жонузоков, асли бошқирдистонлик Ахмад Закий Валидий Тўгон ва бошқалар истиклолчилик ҳаракатининг гоёвий мафкурачилари эдилар. Ҳаракатга раҳбарлик қилган ислом уламолари орасида яссавийлик ва накшбандийлик тариқатларининг пирлари кўп бўлган.

1920-1924 йилларда истиклолчилик ҳаракати Бухоро ва Хоразм республикаларида ҳам авж олди. Бухоро Халк Республикасидаги ҳаракатнинг Туркистондаги истиклолчилик ҳаракатидан фарқ қиладиган асосий томони шундан иборатки, ватанпарварлар Бухорода икки жаҳада туриб кураш олиб боришларига тўғри келди. Бир томондан, амирлик тузуми тарафдорлари бўлган мужоҳидлар, жаҳидлардан иборат. Бухоро ҳукумати ва шунингдек, кизил армия кўшинларига карши кураш олиб бордилар (Иброҳимбек, Мулла Абдулкаххор ва б.). Иккинчи томондан, миллий истиклол гоёларига содиқ бўлган бухоролик ватанпарварлар Файзулла Хўжаев бошлик Бухоро Халк Республикаси ҳукумати билан яширин алоқалар ўрнатиб, Бухоронинг мукаддас тупрогидан кизил аскарларнинг олиб кетилиши, Бухоро республикасининг мустақиллиги амалда қарор топиши учун курашдилар (Анвар Пошо, Давлатмандбек, Жабборбек, Дониёлбек ва б.).

Хоразм Халк Республикасида кизил армияга карши курашнинг тепасида Жунаидхон турди. У Хоразмда сиёсий ҳокимият учун кураш бошлаб, катта муваффақиятларга эришди. Киска муддатда Жунаидхон ўз кўшинини 20000 кишига етказди. Ўзбек хунарамандлари ва дехконларидан ташкил топган дасталарга Мадраимбой, Саъдулла бола, Шоқир бола ва бошқалар раҳбарлик қилган. Жунаидхон бошчилигидаги мужоҳидлар ҳужумга ўтиб, 1920 йил ёзида Кўхна Урганч, Хўжайли, Илонли ва Тахтани қайта эгаллашди, кўплаб кизил аскарларни асирга олишди. Жунаидхон совет кўмондонлигига махсус мактуб юбориб, агар кўшинлар Хоразмдан олиб чиқиб кетилмаса, асирларни отиб ташлашини билдирди. Бирок совет кўмондонлиги Жунаидхоннинг ҳақли талабларини рад қилгач, у босқинчиларни отиб ташлашга буюрди.

1924 йилга келганда истиклолчилар иқтисодий таназзул ва кашшоклик, даҳшатли очлик, халқнинг оғир турмушини кўрмасликлари мумкин эмас эди. Тинимсиз давом этган етти йиллик курашдан Туркистон халқлари ҳам, кўрбоши ва уларнинг йигитлари ҳам жуда толиққан эдилар. Шунинг учун қасоскорларнинг кўпчилиги 1924 йил давомида

1917 йил февраль инкилобининг Туркистонга таъсири

Муаллиф:

11.03.2010 21:13 -

каршиликни тўхтатдилар. Бунга уларнинг рахбарлари орасида жипслик ва умумий дастурнинг йўклиги ҳам сабаб бўлди.

Лекин хали олдинда курашнинг тўлик ўн йили турар эди. Ватанпарварлар яна 1935 йилгача боскинчи кизил армия кўшинларига карши курашини олиб бордилар.